Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

1999 йил,
17 ноябрь, чоршанба
46 (110)

МУСТАҚИЛЛИК

ҲУҚУҚ

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ



ЎН ИККИ БУРЖ — ПИЛЛАПОЯ

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗНИНГ ЯНГИ БАЙРОҒИ БОШИМИЗ УЗРА ҲИЛПИРАЙ БОШЛАГАНИГА ҲАМ 8 ЙИЛ БЎЛДИ

«Байроқ» сўзи, айнан шу шаклда (байрақ), «Девону луғотит-турк»да ҳам бор. Айтмоқчиманки, бу сўз ўта қадимий, тўғрироғи, бу тушунча қабиланинг, жамоанинг, миллатнинг, давлатнинг рамзи сифатида жуда қадим замонлардан буён яшаб келади.

Байроқ шундай рамзки, унинг учун жон фидо қилиш, уни кўзга суриш мумкин. Байроқнинг бошқа номлари ҳам бор: ялов, туғ... Бироқ, қандай ном, қандай шаклда бўлмасин, бу рамз замирида энг эзгу, энг улуғ қадриятлар, бутун бир миллат, жамият, мамлакатнинг мазмун-моҳияти, мақсаду интилишлари, қудрати, шавкати, шаъни ўз зуҳрини топган бўлади. Унинг қиммати шуларнинг барчасига тенг. У ўзида мамлакатга даҳлдор ҳамма нарсани ифода этади. Шу боис, у - муқаддас.

Байроқ, шундай бўлиши керакки, уни ҳар бир фуқаро ифтихор ила эъзозлаб, боши узра тута олиши, нафақат боши узра, балки, қалбига жо эта билмоғи керак. Бунинг учун байроқ фуқаронинг барча орзу-истак, идеалларини ўзида ифодалаган ҳар томонлама гўзал, баркамол бир байроқ бўлиши лозим.

Алқисса, байроқ шундай табаррук, бироқ Ўзбекистон байроғи, ўз байроғимиз биз учун энг табаррукдир.

Мана, мустақил Ўзбекистонимизнинг янги байроғи бошимиз узра ҳилпирай бошлаганига ҳам саккиз йил бўлибди. Фахр билан айтиш мумкинки, шу қисқа давр ичида у улуғ бобомиз Темур туғи етмаган заминларга бориб улгурди. Осмонўпар чўққиларни забт этди. Унинг кўрку таровати, камоли ҳақида эса жуда кўп гапириш мумкин. Ушбу ўринда эса байроғимизга оид бир жиҳат - унда ўз аксини топган рамзларнинг нақадар пурмаъно эканлиги ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу рамзлардан маъно излаган одам ҳатто азалий ҳақиқатлар, илоҳиёт, коинот билан алоқадор тилсимларни ҳам топиши мумкин.

Аввало, ундаги ранглар ҳақида. Байроғимизда тўрт хил ранг ишлатилган. Улар байроқнинг тагранги, яъни фон ўрнида: кўк ранг, қизил, оқ, яшил.

Қадимги ғайбий (эзотерик) илмлар, хусусан, юлдузлар илми-астрологияга кўра уларнинг ҳар бири тўрт унсур ёки аносирга оид ранглардир: кўк - ҳаво, қизил - олов, оқ - сув, яшил - тупроқ рангги. Ғайбий ва илоҳий илмларга кўра, борлиқ ана шу тўрт унсурдан таркиб топган. Демак, байроғимизда нафақат замин, балки бутун борлиқ ўз тажассумини топган экан.

Ундан кейин байрокда кўзга ташланадиган иккинчи рамз - 12 юлдуз тасвири. 12 рақаминнинг талқини кўп, бироқ энг асосийси - аждодларимиз осмон гардишини ўн икки тенг бўлакка бўлиб, ҳар бўлагини бир бурж деб аташган. Астрологиянинг иккинчи тоифа ҳақиқатлари ана шу ўн икки буржда жамулжам. Қайд этиш керакки, 12 бурж ўз навбатида ўттадан тўрт унсур таркибига киради:

Ўт - Ҳамал, Асад, Қавс,
Тупроқ - Савр, Сунбула, Жадий,
Ҳаво - Жавзо, Мезон, Далв,
Сув - Саратон, Ақраб, Ҳут.

Учинчи рамз - Ҳилол, Янги ой. Ҳилол биринчи навбатда - Ислом. Демак, тўрт унсурдан таркиб топган бутун борлиққа Ислом ўз нури ҳидоятини таратиб турибди. Иккинчидан, Ой осмондаги икки ёриткичдан бири. Мунажжимлар Ой ҳақида коинотдан келаётган барча таъсирларни биз Ой орқали қабул қиламиз дейишади. Ердаги ҳаётга таъсир жиҳатидан, Ой қуёшдан кейин иккинчи ўринда туради. Янги ой - Ҳилол ибтидони, ҳамма нарсанинг бошланиши, уйғонишни билдиради. Ойнинг Ҳилол даври, болаликка, баҳорга, мурғакликка, беғуборликка тўғри келади.

Шундай экан, шундай бир байроқни сарбаланд тутган халқнинг йўли-ҳидоят йўли, қалби баҳор гулларидай нурафшон, камолот йўлида унинг учун ўн икки бурж пиллапоя бўлса, не ажаб.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

Сайловлар олдидан

ҚАЙСИ НОМЗОД МУНОСИБ?

1999 йил 5 декабрда бўладиган Олий Мажлисга, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар ҳал қилувчи босқичга кирди. Депутатликка номзодлар сайловларда муваффақият қозониш учун сайловолди ташвиқотларида иштирок этмоқдалар.

Матбуотда эълон қилинган Олий Мажлисга депутатликка номзодларнинг рўйхати билан яқиндан танишиб чиққан сайловчилар бир муҳим жиҳатга эътибор берган бўлсалар керак: номзодлар орасида ҳуқуқшунослар ҳам талайгина.

Шуни таъкидлаш керакки, ўтган сайловда кўрсатилган ҳуқуқшунос номзодлар сони билан таққосланса уларнинг сони анча кўплиги маълум бўлади.

Айрим ривожланган давлатларда парламент депутатларининг асосий қисмини ҳуқуқшунослар ташкил этишини назарда тутадиган бўлсак, бундай ҳолни фақат ижобий баҳолаш мумкин.

Бу йилги сайловнинг ўзига хос томонлари кўп. Масалан, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар орасида прокуратура ходимлари ҳам бор. Булар:

ВОҲИТОВ Муйитдин Мўминович, Бухоро вилоят прокурорининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунларнинг ижроси устидан назорат қилиш бўйича катта ёрдамчиси, Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси, 53-Галаосиё сайлов округидан;

РАЖАБОВА Мавжуда Абдуллаевна, Республика прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокуратура-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директорининг ўринбосари, Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси, 59-Пешку сайлов округидан;

ТИЛАВОВ Салим Умбарович, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси криминалистика бўлими бошлиғи, ХДП, 113-Нарпай сайлов округидан;

РАДЖАБОВ Тоҳир Ҳасанович, Сирдарё вилоят прокуратураси тергов бўлими прокурори, Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партияси, 130-Боёвут сайлов округидан;

КАРИМОВ Жўра, Сурхондарё вилоят прокуратураси назорат бўлими прокурори, Сайловчилар ташаббускор гуруҳи, 137-Ангор сайлов округидан.

Ҳозир ҳар бир сайловчи қайси номзодга овоз бериш ҳақида жиддий бош қотиряпти. Тайинки, у ўз хоҳишига кўра ўзи эркин танлаган номзодига овоз беради.

Албатта, сайловолди ташвиқотлари жараёнида сайловчи ўз номзодини ҳар томонлама, яхшироқ таниб-билиб олиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Биз уларнинг қизиқишларини ҳисобга олиб, прокуратура тизимида ишлаётган депутатликка номзодлар ҳақида маълумотлар бериб боришни режалаштирганмиз.

Газетамизнинг ушбу сонида Сиз Олий Мажлис депутатлигига номзод Мавжуда Ражабова ҳақидаги мақола билан танишишингиз мумкин.

Республика прокуратурасида

ҲАМКОРЛИК



Шу йил 9 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг марказий маҳкамасида Бош прокурор ўринбосари, 2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Р. Қодиров Исроил давлатининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Ноах Гал Гендлер ва полиция атташеси жаноб Миша Шаулини қабул қилди.

Учрашувда Миша Шаули Исроил давлатининг полицияси ва прокуратураси тизими, ваколатлари ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш борасидаги фаолияти хусусида сўзлаб берди.

Шундан сўнг, Республика Бош прокурори ўринбосари Р. Қодиров мамлакатимиз прокуратураси тизими ва фаолияти ҳақида гапириб берди.

Учрашувда муҳокама этилган масалалардан шу нарса маълум бўлдики, уюшган жиноятчилик ва коррупция, наркобизнес ҳамда терроризм жаҳон ҳамжамияти давлатларини бирдек ташвишга солмоқда. Бўлиб ўтган ўзаро суҳбатда бундай ҳавфнинг олдини олиш учун барча давлатлар ҳамкорликда кураш олиб бормоғи зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Учрашув сўнггида, самарали тажрибаларни оммалаштириш давр тақозаси эканлиги таъкидланиб, келгусида бу борада ўзаро ҳамкорликни яхши йўлга қўйиш хусусида мулоҳазалар билдирилди.

Ўз мухбиримиз

ҚИСҚАЧА

Ўтган жума куни Косово шимолида БМТнинг гуманитар юки билан учган ва Приштина аэропорти яқинида радардан йўқолиб қолган ATR - 42 транспорт самолётининг бўлаклари топилган. Уни қидириб топишда KFORнинг Косовада жойлашган қуруқликдаги бригадалари ва вертолётлари қатнашган.

***

Охирги 50 йил давомида ёққан энг кучли жала Франция жанубига катта талофатлар олиб келди. Унинг оқибатида йўллар, кўприклар ва электр узаткичлари вайрон бўлди. Ҳозирда у ерда ичимлик сувининг тақчиллиги сезилмоқда. Охирги маълумотларга қараганда, ўлганлар сони 26 тага етган. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазири маҳаллий ҳукуматини жиноий ҳаракатсизликда айблаган.

***

«Шелл» компанияси Эрондаги нефть конларини ўзлаштириш бўйича шартнома имзолади. АҚШда эса, Эронга нисбатан қўлланилган санкция талабларини «Шелл» компанияси томонидан бузганлик факти бўйича текширув ишлари бошлаб юборилди.

• *Журналнинг янги сони*

МАВЗУЛАРИ РАНГ-БАРАНГ



«Қонун ҳимоясида» журналининг 10-сони ўқувчилар қўлига етиб борди.

Мавзулар ранг-баранглигини таъминлаш учун ҳамон изланаяпмиз. Ушбу сонда назарий-илмий мақолалардан ташқари прокуратура амалиётига доир қизиқарли материаллар ҳам жамланган. Қонунлар шарҳи, жиноятлар тафсилоти, таҳлиллар, хуллас, ўқувчи танлаб ўқиши мумкин бўлган мақолалар талайгина.

Оммабоп журналимизнинг бирор сони йўққи, маънавият мавзуси ёритилмаган бўлсин. Зеро, маънавиятга давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифа сифатида қаралмоқда. Журналнинг 10-сони бош мақола ўрнида берилган «Маънавий юксалиш-миллат ютуғи» мақоласи билан очилади.

Умуман, маънавият мавзуси аксарият мақолалар мазмунининг ўқ илдизини ташкил этади. Чунончи, ҳурматли олим, Ўзбекистон тарихчилар жамияти раисининг муовини, профессор Н.Раҳмонов қаламига мансуб «Зино ва жазо» назарий мақоласини ўқиб чиқсангиз маънавиятимизнинг қадим илдизлари милоддан аввалги XIX асрларда яратилган қонунларга бориб тақалишидан хабардор бўласиз.

Ёки «Мангуберди-Мангуликка даҳлдор» (муаллиф О. Бўриев, ЎзФА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими), «Адолат ва эътиқод» (Б.Неъматов, фалсафа фанлари номзоди) мақолаларини олайлик. Уларда ҳам маънавият мавзуси маълум даражада ўз ифодасини топган.

Журналнинг 10-сонида яна қандай материалларни ўқишингиз мумкин? Фикримизча, «Коррупцияга қарши кураш ва бу соҳадаги тергов муаммолари» (муаллиф М.Усмонов), «Судга шикоят қилмоқчиман» (Х.Дониёров), «Эрмак муҳаббатнинг қурбони», «Сайлов тўғрисидаги қонунлар такомиллашди» (Ф.Раҳимов), «Ерни асрайлик» (Ж.Холмўминов), «Германияда матбуот эркинлиги» мақолалари Сизнинг эътиборингизни тортади.

Ушбу сонда ёзувчи Ғ.Раҳматуллаевнинг «Сиртмоқ» детектив қиссасининг давомини ўқишингиз мумкин.

Сиз, азиз ўқувчиларимизга 2000 йил учун «Қонун ҳимоясида» журналига обуна давом этаётганини эслатиб ўтамиз. Журналимизга обуна бўлсангиз, фақат манфаатдор бўласиз!

Б.НАЗАРОВ

• *Газетхон сўз сўрайди*

МЕН СОҒИНАДИГАН НАШР

Ишхонамизга ҳар куни пойтахтимиз ва вилоятимизда чоп этиладиган даста-даста газета ва журналлар келиб туради. Барчасининг ўзига хос «нафаси» бор. Аммо, мен вақтли нашрлар орасида энг аввало «Ҳуқуқ»ни қидириб топишга ўрганиб қолганман. Негаки, унда иккинчи даражали деб қараладиган, шунчаки, жалб этиш учун бериладиган саёз мақолаларга ўрин деярли қолмайди.

«Қонун ҳимоясида» журнали ҳамда «Ҳуқуқ» рўзномаси ижодий жамоасининг навоийлик муштарийлари билан юзма-юз мулоқотлари жўшқин ўтганини касбдошларим сўзлаб беришди. Унда ҳуқуқшунослар ижодларидан намуналар бериб бориш масаласига ҳам ижобий муносабатлар билдирилганини мамнуният билан эшитдик.

Газетангиз ҳар сонининг илк саҳифаси «Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» каби давримизнинг улуғвор ҳикмати билан бошланиши қандай яхши! Юртимизда бу буюклик марҳаматидан завқ олмаган бирор кўнгил бормикин?

Мен шоирликни даъво қилмайман. Негаки, касбимиз тақозосига кўра, бизда бўш вақтнинг ўзи кам. Ҳукмингизга ҳавола этаётган митти шеърим ҳам бизга бахт - саодат ато этаётган мустақиллик шавқи туфайли дунёга келган:

ИСТИҚЛОЛ ТОНГИ

Диловар истиқлол тонги бу,
Озодлик шаробин ичамиз.
Сайр этиб беҳишти боғларин,
Биллур, тинч самосин кўчамиз.

Жўр бўлсин миллатлар, элатлар,
Куйлайлик, эрк сози тинмасин,
Халқимнинг ўзибек бахтини
Кенг жаҳон, коинот тингласин.

Ҳамза БОБОМУРОДОВ,
Зарафшон шаҳар прокурори
ёрдамчиси

• *Ишлар қалай, ёш прокурор?*



Қаҳрамон Сулаймонов 1966 йил Ғаллаорол туманида туғилган. 1990 йил ТошДУнинг ҳуқуқшунослик факультетини битирган. Иш фаолиятини Жиззах шаҳар судида суд котиблигидан бошлаган. 1994 йилдан 1999 йилгача Республика прокуратурасининг бўлим ва бошқарма прокурори вазифасида ишлаган. 1999 йил апрелдан Пискент туман прокурори. Оилали, 3 нафар фарзанди бор.

«БИРОНТА ҲАМ ҚОТИЛЛИК ЖИНОЯТИ СОДИР ҚИЛИНМАДИ» —

ДЕЙДИ ПИСКЕНТ ТУМАНИ ПРОКУРОРИ ҚАҲРАМОН СУЛАЙМОНОВ МУХБИРИМИЗ БИЛАН СУҲБАТДА

— Қаҳрамон Аъзамович, туманга прокурор этиб тайинланганингизга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа вақт орасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасидаги ишлардан кўнглингиз тўлаяптими?

— Ишни туманда юз берган жиноятчиликни таҳлил қилиб чиқишдан бошладим. Туман аҳолисининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги соҳаларида ишлайди. Жиноятчиликнинг асосий қисми шу соҳага оид. Йилнинг тўққиз ойида жиноятчиликнинг оғир ва ўта оғир турларининг кескин камайишига эришдик. Номусга тегиш жинояти ўтган йилга нисбатан 2 тага кўпайган. Сабаби — бу жиноятни содир қилган шахслар ҳам жабрланувчилар ҳам бошқа туманларда яшовчи фуқаролар. Энг асосийси, 1999 йилнинг ўтган даврида туманимизда одам ўлдириш ва суиқасд қилиш жинояти содир этилмади.

Туманимизда фаолият кўрсатаётган давлат ва нодавлат ташкилотлари, хотин-қизлар қўмиталари билан ахиллиқда иш олиб бордик. Жойларда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тезтез учрашувлар ташкил қилдик. Маълумки, кўпгина ҳолларда қаерда ичкиликбозликка йўл очилса, албатта, ўша жойда жиноят содир қилинади. Тўй — халқимизнинг азалий анъанаси.Афсуслар бўлсинки, ана шу тўйларда ичкилик ичилади. Кўпинча ичкилик ичилган жойда баъзи ёшлар ўзини кўрсатиб қўйишни хоҳлаб қолади. Оқибатда жиноят содир қилинади. Бунинг олдини олиш мақсадида биз энг аввало ишни тўйларда тартиб ўрнатишдан бошладик. Қилган ҳаракатларимиз зое кетмади. Туманимизда жиноятчиликнинг безорилик тури кескин камайди. Бунда «Мўминобод», «Лолаариқ», «Бекобод» маҳаллалари аҳли намуна кўрсатди. Албатта, бу борадаги ютуқларимизда туман ҳокимлиги ва ИИБнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

— Президентимизнинг 1999 йил 30 апрелдаги «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги фармонидан сўнг кўп маҳкумлар уйига қайтди. Бугунги кунда уларнинг тақдири қандай кечаяпти?

— Юртбошимиз фармонидан сўнг туманда жазо ўташ жойларидан бир неча ўн нафар шахс уйларига қайтган. Уларнинг асосий қисми туман ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий мослашув марказига ёрдам сўраб мурожаат қилишларига қарамай моддий ёрдам берилмаган. Жазони ўтаб қайтган Ж.Тўлаганов, бир неча бор марказга моддий ёрдам сўраб ариза ёзганига қарамай унга ёрдам пули ажратилмаган. Иш сўраб мурожаат қилган 4 нафар собиқ маҳкумдан 1нафари ишга жойлаштирилган. Тўғриси, бу борада анчагина камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Шу соҳанинг тегишли раҳбарлари камчиликларни бартараф этиш юзасидан огоҳлантирилди.

Баъзида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва ҳокимликлар томонидан ҳам фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларига зид келувчи фармойиш ва қарорлар чиқарилмоқда. Масалан, туман ҳокимининг биринчи муовини А.Ғафуров масъулияти чекланган «Пресстиж» жамиятининг халқ истеъмоли моллари, қурилиш материаллари қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, етиштириш, аҳолидан сотиб олиш, сотиш, қурилиш-таъмирлаш ишларини бажариш, лойиҳа-смета тузиш фаолияти билан биргаликда аудиторлик хизмати кўрсатиш вазифалари кўрсатилган Низомини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарорга имзо чекади. МЧЖ Низомининг 2-бўлим 2.8-бандидаги «ташкилотларга аудиторлик хизмати кўрсатиш» ҳақидаги қисми қонунга зид бўлгани учун, Низомнинг ана шу бандини олиб ташлаб, қайта рўйхатга олиш ҳақида туман ҳокими номига протест киритилди.

— Кўриниб турибдики, ҳатто айрим мансабдор шахслар ҳам кўпгина қонунларни яхши билишмайди. Оқибатда ўзлари билиб-билмай қонунга зид ишлар қилишади.

— Тўғри. Қонунларни билмаслик ҳеч бир фуқаронинг жазодан озод бўлишига асос бўла олмайди. Бироқ айрим фуқаролар ўз ҳаракатларининг жиноят эканликларини била туриб, эгри йўлдан боришга ҳаракат қилади. Туманимизда яшовчи Ф.Тўлаганова билан Ў.Отанбоевалар ўзаро жиноий тил бириктириб, 1999 йилнинг 1 июнь куни Н.Умаралиевани уйидан алдаб олиб чиқиб, «Ўзбекистон Мустақиллиги» жамоа хўжалигида яшовчи З.Назаров хонадонига олиб бориб, уни зўрлаб эрга бермоқчи бўлишади. Улар ҳатто қайси жамиятда яшаётганини ҳам унутиб қўйган кўринади. Ҳожатбарор опа-сингиллар ўз қилмишлари учун суднинг қора курсисида ўтиришга мажбур бўлди. Ана шундай жиноятлар таҳлил қилинганида, айрим фуқаролар қонунларимиздан бутунлай бехабарлиги маълум бўлади. Бундай муаммоларни ҳал қилиш учун аввало халқнинг ҳуқуқий онгини юксалтириб боришимиз лозим.

Суҳбатдош:
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ





Жиноятларнинг ўз вақтида очилишида суд-тиббий экспертизаси ходимларининг ҳам хизматлари катта.

Суратда: Қўқон суд-тиббий экспертизаси бошлиғи М.Ҳошимов (чапдаги суратда биринчи) ва тиббий эксперт Р.Ёқубжонов далилий ашёларни кўздан кечиришмоқда.

Суд-тиббий экспертиза биологлари А.Севликян (ўнгдаги суратда биринчи) ҳамда Ф.Қаюмовалар иш устида.

Р.НУРИНБОЕВ суратлари

• *Таҳририят почтасидан*

Инсониятга берилган буюк неъматлардан бири ёзувдир. Минглаб йиллар ўтса ҳам унинг аҳамияти ошса-ошдики, камайгани йўқ. Энг қадимги Ўрхун-Энасой ёдгорликлари, Аллоҳнинг каломи Қуръони Карим, шоир ёзувчиларимизнинг асарлари, улардаги кўнгли гулдай ботирларнинг гулдан нозик қизларга ёзган мактубларини то ҳануз марок билан ўқиймиз. Дарвоқе, мактублар ҳақида. Мактуб - кўнгилларни боғловчи ришта. Мактуб ёзиш ҳам санъат. Буни Навоий бобомиз беш аср аввал исботлаб қўйган. Қодирий бобомиз «Ўтган кунлар» романида чиройли қилиб кўрсатиб берган.

ИСМИ ЙЎҚ, КАСБИ – АНОНИМЧИ

Учинчи минг йиллик арафасидамиз. XXI асрда ҳаётимизда кўп ўзгаришлар юз берар, аммо бир нарса ўзгармайди, азиз ўқувчи: Сиз билан биз мактублар орқали мулоқотда бўлаверамиз. Таҳририят сизлардан ҳар куни хат олади. Ҳар бир хат бир инсоннинг ўй-фикрини, дунёқарашини ифода этади. Одамлар бир-бирларига қанчалик ўхшасалар, ундан ҳам зиёда ўхшамайдилар. Худди шу маънода келаётган мактубларнинг мазмуни ҳам хилма-хилдир. Эълон қилинган мақолалар юзасидан мулоҳазалар, «Савол-жавоб» рукнига саволлар, берилаётган кроссвордларга жавоблар битилган мактубларни қайд этиш билан бирга таъкидлаш керакки, келаётган хатларнинг аксариятини ариза ва шикоятлар ташкил қилади.

Имкониятимизга қараб, уларни газетада чоп этамиз. Қолганларини ўрганиб, чоратадбир кўриш учун тегишли ташкилотларга жўнатамиз. Демакки, ҳеч бир мактуб эътиборсиз қолдирилмайди.

Тўғрисини айтганда, мутасадди ташкилотлардан шикоятчининг муаммолари ижобий ҳал этилганлиги тўғрисида мактуб олган кунимиз биз учун байрамдек, гўё. Бировга яхшилик қилиб ким ҳам суюнмайди? Бу суюнчларни бизларга улашишда тегишли ташкилотларнинг бегараз ёрдамлари катта, албатта. Гоҳо, бунинг акси ҳам бўлиб туради-ки...

Шу йил 14 сентябрь куни таҳририятга норинлик бир гуруҳ фуқаролардан хат келди. Унда тумандаги *«Тошкент» ширкат хўжалиги раҳбарларининг ўз мансабини суиистеъмол қилиб, бир қатор қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйганликлари* ҳақида сўз боради. Жумладан, хўжалик раҳбарлари:

1) ғалладан бўшаган 190 гектар ерни қонунсиз равишда хўжаликда ишламайдиган фуқароларга ҳар гектарини 30-35 минг сўмдан пуллаб юборганлар;

2) йил давомида 170 дан ортиқ қорамолни йўқ қилиб, катталарини кичикларига алмаштириб қўйганлар;

3) чорва учун келтирилган 25 тонна кунжарани молларга берилди дея ҳужжатлаштириб, аслида ҳар килограммини 25 сўмдан, 625 минг сўмга сотиб юборганлар.

Яна шунга ўхшаш 3 та ғайриқонуний ҳолат кўрсатилиб, мактубга *Н. Жўраев, Б. Раҳимов, С. Темирова, Ж. Йўлдошев, А. Мамажонов* деган шахслар имзо қўядилар.

Эътибор бердингизми, гап бир ёки икки сўм ҳақида эмас, хўжалик аъзоларининг, давлатнинг манфаатларига етказилган миллионлаб сўм зарар ҳақида кетаяпти. Таҳририятда 29-16-99 рақами билан рўйхатга олинган ушбу мактуб ўрганиб, айбдорларга тегишли чора кўриш учун Норин туман прокуратурасига жўнатилди.

Туман прокурори Ю. Олимов имзоси билан олинган жавоб мактубда таъкидланишича, *мазкур шикоят юзасидан «Тошкент» ширкат хўжалигида текшириш ўтказилган. Ва... шикоятда тилга олинган бирон-та ҳам факт тасдиқланмаган.* Аризада номлари кўрсатилган Н. Жўраев, Б. Раҳимов, Ж. Йўлдошев, А. Мамажоновлар эса аризадаги имзолар уларга тегишли эмаслигини, ҳеч қачон ҳеч қаерга шикоят аризаси ёзмаганликлари ҳақида таъкидлашиб, бу ҳақда тушунтириш хати ёзиб берганлар.

Худди шундай ҳол Бойсун туман «Камолот» жамғармасидаги суиистеъмолчиликлар ҳақида Шуҳрат Орипов имзоси билан келган ариза бўйича ҳам кузатилди. Фақат бу ҳолатда, Бойсун туман прокурори вазифасини бажарувчи Б. Алимардоновнинг таҳририятга йўллаган жавоб хатидан аён бўлишича, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуннинг 2-моддасига асосан, ариза аноним бўлганлиги сабабли кўриб чиқилмасдан қолдирилган. Тўғри, қонун бу - қонун. Аммо, шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди, дейишади халқимиз. Бироқ, масаланинг иккинчи томони эса...

Шу ўринда бир машҳур шоиримизнинг «Лаззатнинг турлари» деган шеъри ёдимизга тушади. Муаллиф лаззатнинг турлари ҳақида ёзар экан, кўпчиликдан фарқли ўлароқ, мустабид ҳукмдорнинг портрети гулханда ловуллаб ёнаётганини кўриб, лаззатланганини таъсирлайди. (Яқин тарихимиздаги қатағонлар даври назарда тутилмоқда). Шу маънода ватандошларимиз орасида бировларга туҳмат уюштириб, одамларни овора қилиб лаззатланувчилар бор, шекилли. Уларни ким эмас, нима деб аташга ҳам ҳайронсан киши. Қонунда туҳмат учун ҳам тегишли жазо борлигини айтиб ўтмоқчимиз.

Яна бир мисол. Таҳририят шу йилнинг 6 сентябрь куни Боёвут очиқ турдаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ишчиси Б. Абдуҳолиқовдан шикоят хати олган эди. Хат «Шикоят ёзишга мажбурмиз» сарлавҳаси билан газетамизнинг 22 сентябрдаги 38-сонида чоп этилди. Мазкур шикоят юзасидан Сирдарё вилоят прокурорининг ўринбосари Э. Йўлдошев имзоси билан жавоб хати олдик. Хатда текшириш жараёнида Б. Абдуҳолиқов деган шахс бу корхонада ишламаслиги аниқланган ва шундай бўлса-да, прокуратура томонидан текширув ўтказилганда шикоятдаги айрим фактлар ўз тасдиғини топганлиги ва бунга кўра, айбдорларга нисбатан ЖК нинг 205-моддаси 2-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётганлиги ҳақида сўз боради. Мазкур жавоб хати газетанинг 42-сонида (20 октябрь) «Муаллиф аниқланмаса-да...» сарлавҳаси билан эълон қилинди. Қизиғи шундаки, жавоб эълон қилиниши билан таҳририят ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси М. Файзиев ва УХДП котиби С. Жўраевлардан юқоридаги шикоят хати юзасидан эътироз хати олди. Улар шикоят хатидаги фактларнинг тўғри ё нотўғрилиги аниқланиб, кейин газетада эълон қилинса бўлар эди, деган фикрни билдириб, шундай ёзадилар:

«Бу мақола («Шикоят ёзишга мажбурмиз...» - таҳр.) жамоамизнинг раҳбарларга бўлган ишончини сусайтиришга олиб келиши мумкин. Лекин, жамоамиз ўз раҳбарларига ишонадилар ва корхонамизнинг келажакда республикада илғор корхоналар қаторида бўлиши учун ўз меҳнатларини аямайдилар».

Дарвоқе, бу йил корхона ўзининг 85 йиллик тўйини ўтказишга тайёргарлик кўраётган экан. Нима ҳам дердик, ниятларига етишсин. Текшириш натижалари билан эса газетамизнинг 42-сонида воқиф бўлгансиз. Раҳбарларга ишонч масаласида Сирдарё вилоят прокурори ўринбосари Э. Йўлдошевнинг таҳририятга йўллаган жавоб хатига асосланиб шуни айтиш керакки, айнан *корхона раҳбарларининг 1998 хўжалик йилида пахта момиғи ва аралаш чиқинди (улюк) маҳсулотларини пахта толаси ҳисобида ҳужжатлаштириш йўли билан корхонага 4743700 сўм миқдорида зарар етказганликлари аниқланган.* Бу билан уларни жиноятчи дейиш фикридан йироқмиз. Жиноятчи ким эканлигини эса суд аниқлайди. Унгача эса факт фактлигича қолаверади...

Ушбуни қоғозга тушираётганимизда таҳририятга тошкентлик II курс талабасидан хат келди. Унда жойларда юз бераётган қонунбузилишлар ҳақида ҳикоя қилинган, фикр-мулоҳазалар билдирилган. Қизиғи, унда талабанинг исми-насаби ҳам, ўқиш ва яшаш жойи ҳам кўрсатилмаган эди. Унга нисбатан муносабатимиз қандай эканлигини ўзингиз тушуниб олаверинг...

Бу билан биз нима демоқчимиз? Азиз муштарий, Сиз шикоят ёзишга ахд қилдингиз ва уни ёздингиз ҳам. Агар ёзган экансиз, нега энди журъатсизлик қилаяпсиз? Ваҳоланки, сизни шикоят ёзишга мажбур қилган нарса - атроф-муҳитингизда содир бўлаётган қонунбузилишлар эмасми? Бу ҳолатларга чек қўйилишини талаб қилиб сиз таҳририятга мактуб йўлламоқдасиз. Ваҳоланки, бу ҳолларни текшириб чора кўриш учун кези келса, журналист текшируви ўтказилади. Аммо, бундай хатлар аксарият ҳолларда ўз тасдиғини топмаяпти. Зеро, бундай хатлар сабаб қанчадан-қанча оворагарчиликлар, асаб бузилишлар рўй беришини билиб қўйсангиз чакки бўлмасди.

Маъмура ДУСИЯРОВА,
«Ҳуқуқ» газетаси Хатлар ва шикоятлар бўлими муҳаррири

• *«Ҳуқуқ»қа жавоб берадилар*

«ҚАСАМ НЕГА БУЗИЛДИ?»

1999 йил, 13 октябрь, 41 (105)-сон

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Ҳуқуқ» газетасида чоп этилган «Қасам нега бузилди?» мақоласида кўрсатилган фактларни текшириш учун қуйидаги таркибда ҳайъат тузилди ва Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳрига хизмат сафарига юборилди:

1. О.М.Миртозоев, ССВ Бош эпидемиологи — раис;
2. Э.И.Мусабаев, ССВ Бош инфекционисти;
3. Т.У.Хидиров, ССВ Назорат инспекцияси Самарқанд вилояти бўйича бошлиғи.

Текширув давомида мақолада кўрсатилган фактларнинг аксарияти ўз тасдиғини топди ва аниқланган камчиликлар юзасидан Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг 1999 йил 3 ноябрдаги 1177-сонли буйруғига биноан айбдор шахсларга нисбатан қуйидаги интизомий чоралар белгиланган:

1.Каттақўрғон шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Т.Хусеновга ҳайфсан эълон қилинган.

2.Шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси бош врачи Х.Баҳриев вазифасидан озод қилинган.

3.Шаҳар марказий туғруққохонаси бош врачи Л.Умеровга ва бош врач ўринбосари Е.Туранскаяга ҳайфсан эълон қилинган.

4.Шаҳар қон қуйиш станцияси бош врачи А.Муҳиддиновга ҳайфсан эълон қилинган.

5.Каттақўрғон туман марказий шифохонаси бош врачи А.Нуримов ўз лавозимидан озод этилганлиги инобатга олинган.

6.Шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси врачи Х.Мусулмоновга, «Ингичка» кўрғони санатурияси туғруқ бўлими мудири Р.Исмоиловага ва қон қуйиш станцияси ҳамшираси Т.Кушимоваларга нисбатан маъмурий жазо қўлланилганлиги инобатга олинган.

Бундан ташқари, Самарқанд вилояти санитария-эпидиомология станциясининг 1999 йилнинг 3 ноябридаги 268-сонли буйруғига асосан қуйидаги мансабдор шахсларга нисбатан ҳам интизомий чоралар белгиланган:

1.Каттақўрғон шаҳар СЭС бош врачи Б.Умурзоқовга, Каттақўрғон туман СЭС бош врачи Т.Худойбердиевга ҳайфсан эълон қилинган.

2.Каттақўрғон шаҳар ва туман СЭС эпидиомология бўлимлари мудирлари У.Саъдуллаев ва А.Ғойибназаровдан бир ойлик маошининг 40 фоизи миқдорида жарима ундирилган.

Мақолада кўрсатилган 1996 йилда қорин тифи билан 4 нафар эмас, 2 нафар, 1997 йилда 9 нафар эмас, 3 нафар, 1998 йилда 34 нафар эмас, 11 нафар, 1999 йилда 10 нафар эмас, 8 нафар кишилар оғриганлиги ва юқумли касалликлар шифохонасида даволанганлиги аниқланди.

Мақолада кўрсатилган юқумли касалликлардан тўрт нафар бемор ўлганлиги тасдиқланди, лекин шаҳар ва туман санитария-эпидемиология станицияси бошлиқлари томонидан қорин тифи касаллигини яшириш ҳоллари аниқланмади.

Шаҳар юқумли касалликлар шифохонасига Каттақўрғон туманидан тиф-паратиф касалликларга гумон қилиниб, 1996-99 йилларда 42 нафар эмас, балки 119 нафар бемор ётқизилганлиги аниқланди. Шу жумладан, 1996 йилда 35 нафар бемордан 1 тасида, 1997 йилда 14 нафардан биттасида, 1998 йилда 31 нафаридан 4 тасида, 1999 йилда 39 нафаридан 2 тасида қорин тифи ташхиси тасдиқланган.

Текширув натижаларига асосан, Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Е.Х.Қўшмуродовга ва вилоят СЭС бош врачи Н.И.Ходжаевга, Каттақўрғон шаҳар ва туман тиббиёт муассасаларида қатор камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган. Маълумотномада баён қилинган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш учун аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

Ф.НАЗИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири

• *Депутатликка номзодларимиз*



АДОЛАТГА БАХШИДА УМР

Мавжуда Абдуллаевна Ражабова 1955 йил 5 майда Бухоро вилояти, Шофиркон тумани «Тезгузар» қишлоғида туғилган. Ражабовлар оиласида 8 фарзанд вояга етган. Уларнинг барчаси олий маълумотли, ҳозирги кунда эл-юрт хизматида. Ражабовлар оиласи аъзоларини шофирконликлар ҳурмат билан тилга оладилар. Бунга сабаб, марҳум Абдулло ака Ражабов ва Матлуба аялар (уларни Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин) фарзандларини тўғри сўз, ҳалол-пок, одобахлоқли, эл хизматини адо этишда чарчамайдиган фидойи инсонлар бўлиб етишишларини ният қилиб, шунга яраша таълим-тарбия берганликларидир.

1973 йилда ТошДУнинг юридик факультети талабалари сафига келиб қўшилган Мавжудахон биринчи курсдан бошлаб гуруҳ раҳбари этиб сайланди. Фан арбоби Ҳ. Ҳобоев, профессор З.Исломов, доцент У.Бозоровлар ва Мавжудахонга устозлик қилган барча профессор-ўқитувчилар шогирдларининг ҳам амалий фаолиятда, ҳам илмий-назарий ижодда эришаётган муваффақиятларини кўриб, чин дилдан қувондилар.

Ҳуқуқшунослик касбини пухта эгаллаш мақсадида у барча фанларни чуқур ўзлаштиргани, тинмасдан ўқиб, изланган зое кетмади. Мавжуда олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатиб, давлат тақсимот гуруҳи йўлланмаси билан энг сара талабалар қаторида прокуратура идораларига ишга жўнатилди.

Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, ҳуқуқшунослик факультетини юқори натижалар билан якунлаган Мавжудахоннинг диплом ишига Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг собиқ мухбир аъзоси Анвар Аъзамхўжаев (Оллоҳ раҳматига олсин) раҳбарлик қилган эди. Марҳум домла шогирди Мавжудахонга ўша йилнинг ўзидаёқ илмий изланишга қобилиятлилиги учун аспирантурага ҳужжат топшириш ҳақида маслаҳат берганида, у камтарона тарзда «аввал амалиётда ишлаб тажриба орттирай, имконият топсам амалиётни назария билан боғлаб, илмий изланиш олиб бормоқчиман», деб раҳбарининг розилиги билан меҳнат уммонига шўнғиди.

Мавжуда Абдуллаевна бир неча йиллар давомида Бухоро вилоятининг Ф.Хўжаев тумани прокуратурасида терговчи лавозимида ишлади. Аёл кишининг терговчилик лавозимида ишлаши жуда оғир. Қарийб етти йил давомида бу касбга меҳр қўйиб ишлашнинг ўзи бўлмайди.

Терговчиликдек сермашаққат, оғир касбни уддалай олган Мавжудахон тез орада ҳамкасблари орасида обрў қозонди. Бухоро вилояти прокуратурасининг раҳбарлари унинг меҳнатсеварлиги, ҳар қандай оғир ишни ҳам уддалай олишга қодир эканлигини турли тадбирлар, йиғинларда эътироф эта бошладилар. Бош прокурор томонидан мукофотланиш масаласи ҳам ижобий ҳал этилди.

Мавжудахондаги энг яхши фазилатлардан бири шуки, у зеришган ютуқларидан эсанкираб қолмайди, тинимсиз равишда маънавий юксалишга интилиб, давр билан ҳамқадам бўлишга ҳаракат қилади.

Мавжудахон ҳуқуқшунос олим, Бухоро фарзанди бўлмиш Шоназаржон билан турмуш қурганидан сўнг, тақдир тақозоси билан Тошкентда яшаб, дастлаб Республика прокуратурасининг тергов Бош бошқармаси катта прокурори лавозимига тайинланди, ҳозирди эса малака ошириш Маркази директорининг ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. У халқига хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Уларнинг бир-биридан ширин икки нафар ўғли бор. Фарзандлари ҳам ота-онасидек ҳуқуқшунослик касбини эгаллашни ҳозирдан орзу қилмоқдалар. Интилганга толе ёр, дейди халқимиз.

Мавжудахон холис ниятли, куюнчак инсон. Ўз касбининг моҳир устаси, билимдон ҳуқуқшунос олимани нафақат амалиёт ходимлари балки, илмий жамоатчилик ҳам яхши танийди. Зеро, олимамиз чуқур илмий тафаккурга эга бўлиш билан бирга нотиқлик санъатини ҳам яхши эгаллаган.

Мавжудахоннинг прокуратура идораларида масъул лавозимларда ишлаётганига ҳам йигирма йил бўлибди. Умр оқар дарё дейдилар. Аммо, у умрини бекуда ўтказмаётганидан мамнун. Тинимсиз меҳнати муносиб тақдирланган.

1993 йилнинг декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги муносабати билан М.Ражабова Ўзбекистон Республикасининг «Фахрий ёрлиғи»-ни олишга сазовор бўлди. Шундан бери у давлатимиз ва ҳукуматимиз юритаётган одилона сиёсатдан ғурурланиб, доимо халқимга, Ватанимга содиқ фарзанд бўлай, деган ўй-хаёлда яшайди. Мустақиллик йилларида Мавжудахоннинг ҳаётида юз берган қувончли воқеалар сонсаноқсиз. Ўтган йили ва шу йилнинг феврал ойида олима хизмат сафари билан, аниқроғи, мутахассислиги юзасидан билимини бойитиш учун Миср Араб Республикаси ва ҳуқуқий демократик давлат қуришга улгурган, ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаган Швеция давлатида бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари дастури асосида малака ошириб қайтди.

Бу сафарлар натижаси зое кетмади. Унинг Ўзбекистон давлати ҳақидаги мақоласи Миср Араб Республикаси матбуотида чоп этилди. Миср ва Швеция давлатларининг ҳуқуқ соҳаларини ўрганишда тўпланган тажрибаси асосида шу давлатлар қонунларини Ўзбекистон қонунлари билан қиёслаб, бизнинг ҳуқуқ тизимида ҳам жаҳон андозаларига мос, улар билан рақобатлаша олувчи ижобий натижаларга эришилаётгани ҳақидаги мақолалари республика матбуотида чоп этилди.

Мавжудахоннинг ҳуқуқ фанини ривожлантиришдаги ҳиссаси шундаки, у дунёвий ҳуқуқ фанларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан қўллашни билиш билан чегараланмасдан, балки, яқин ўтмишда Ўзбекистонда қўлланган Шариат қонунлари, унинг бир тармоғи бўлмиш мусулмон ҳуқуқида жиноятчиликка қарши кураш муаммоларига, яъни Шариатда жиноят ва жазо масалаларига бағишланган тадқиқот ишини 1996 йилнинг май ойида илмий Кенгашда ёқлаб, юридик фанлари номзоди илмий даражасини олишга эришди. Ҳозирда олима тадқиқот ва изланишларини ҳормай-толмай давом эттирмоқда.

У Олий Мажлис қошидаги «Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш учун таклифлар тайёрлаш» комиссияси, Ўзбекистон Республикаси «Файласуфлар жамияти», Республика хотин-қиз юристлар ассоциацияси аъзоси сифатида ҳам жамиятимиз тараққиётига ҳисса қўшмоқда. Шунингдек, «Қонун ҳимоясида» журналининг таҳрир ҳайъати аъзоси ҳамдир.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, Президент Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XXV сессиясидаги маърузасида: «Депутат бўлишни истаган одам, аввало, ҳалол-поклиги, маънавий етуклиги, қобилияти, теран билими, эл-юрт манфаатини шахсий манфаатидан устун қўйиш каби хусусиятларга эга бўлиши керак», деган эди.

Бизнинг қаҳрамонимиз Мавжудахонда ҳам шу фазилатлар мужассамлашган. Уни Олий Мажлисга депутатликка номзод қилиб кўрсатган 59-Пешку сайлов округидаги сайловчилар олиманинг номзодини ёқлаб овоз берсалар адашмайдилар. Давр шиддатли тараққиётда. Шунинг учун унинг тараққиётини жадаллаштиришда халқ вакили бўлиб хизмат қилишни ният қилган камтарин олимамиз Мавжудахонга омадлар тилаймиз.

Ҳожимурод ОДИЛҚОРИЕВ,
профессор.
Йўлдош ПАРДА, ёзувчи

• *Муҳим қўлланма*

«И.А.КАРИМОВ МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК, ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ТЎҒРИСИДА»

(Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини ўрганувчиларга ёрдам). Тузувчилар: юридик фанлари доктори, профессорлар У.Тожихонов, А.Саидов. - Т: Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси, 1999.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, академик Ислом Каримов асарларида, маъруза ва нутқларида Ўзбекистон тарихида туб бурилиш ясаган буюк воқеа - мустақиллик, унинг қўлга киритилиш тарихи, ривожланиш қонуниятлари, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг зарурияти ва моҳияти, истиқлол мафкураси ҳамда ҳуқуқий маданият сингари долзарб масалалар кенг ва атрофлича ёритилган.

Ислом Каримов асарларини ўқир экансиз, кишида порлоқ истиқболга катта ишонч, орзу-умид туғдиради, келажагимизни олдиндан кўришга ёрдам беради. Шу сабабли ҳам бу асарлар эл-юрт назарига тушиб, катта эътиборга сазовор бўлиб, ҳатто ўн бешдан ортиқ хорижий тилларга таржима қилиниб, нафақат республикамиз, балки жаҳон маънавий хазинасининг бебаҳо дурдонасига айланиб бормоқда.

Ҳозирги кунда кенг жамоатчилик назарий билимларини бойитиш ва чуқурлаштириш, мамлакатимиз ва жаҳон миқёсида рўй бераётган жараёнлар моҳияти, миллий давлатчилигимиз тарихи, ривожланиш қонунлари, ҳозирги даврнинг ўзига хос муаммоларини илмий тушуниб, таҳлил этишда Президент асарларидан қўлланма сифатида фойдаланиб келмоқда.

Кўплаб олимларимиз ушбу асарларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, уларнинг қимматли, ўзига хос томонларини кўрсатиб ўтишган.

Шунингдек, таниқли олимларимиз, профессорлар У.Тожихонов ва А.Саидовлар ҳам Президент асарларини қизиқиш билан кузатиб, ўқиб келаётган китобхонларга янги туҳфа тайёрладилар. Бу китоб «И.А.Каримов миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида» деб номланган.

Муаллифлар китобда миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси, ҳуқуқий маданиятни ошириш, демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти қурилишида маънавият ва мустақиллик ғояларининг ўрни ҳақида сўз юритиб, Президент Ислом Каримовнинг 1991-1999 йилларда эълон қилинган асарлари, нутқлари ва маърузаларидан кўчирмалар келтирганлар. Ҳар бир иқтибоснинг сўнгида манба кўрсатилган. Иқтибосларнинг хронологик тартибда жойлашганлиги китобхонларга қўлланмадан фойдаланишда қулайлик туғдиради.

Қўлланмада Президентимизнинг 150 дан ошиқ асарлари, нутқлари ва маърузаларидан олинган мавзулар ёритилган.

Китоб Президент асарларини ўрганаётган докторантлар, аспирантлар, илмий тадқиқотчилар, адъюнктлар, ўқитувчилар, талабалар учун қимматли қўлланмадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларини ўрганувчилар учун ҳам ўзбек, ҳам рус тилида чоп этилган бу муҳим қўлланма кенг китобхонлар оммасига хам тавсия этилади.

Раъно ТУРДИБОЕВА,
Тошкент Давлат аграр университети катта ўқитувчиси, илмий тадқиқотчи

• *Одам оласи ичида*

МУТТАҲАМНИНГ

Кимсан Азим Қодиров деган бу зотни нафақат Бекобод туманию шаҳрида, балки атроф ҳудудларда ҳам кўпчилик яхши танир, иззат-ҳурматини жойига қўярди. Нима бўлганда ҳам олий маълумотли ҳуқуқшунос, катта бир ташкилотнинг ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси бўлганидан кейин обрў-эътибор ҳам шунга яраша бўладида. Лекин арзимаган бир воқеа сабаб ана шу ҳурматли зотнинг обрўси тутдай тўкилди.

Азим Қодиров ўзига ҳар қанча юқори баҳо бермасин, баъзи-баъзида эл қатори жамоат транспорти, яъни автобусга ҳам чиқиб турарди. Лекин манзилига яқинлашганида автобусдан эл қатори бекатда тушиб қолишга оғринди. Роса уйининг рўпарасига келганда «Ҳайдовчига «шу ерда тўхтаб қўйишни» буюрди.

Машинасини анчагина тезлатиб олган ҳайдовчининг дастлаб ғаши келди. Тўхтамай деса, бир бало, тўхтаса яна...

- Сенга нима дедим! - ўшқирди йўловчи жаҳл билан. - Қорнинг тўйиб қолдими?

Тўхта дегандан кейин тўхтагин-да!

Ҳайдовчига бу гап жуда оғир ботди. Машинани кескин ўнгга буриб, таққа тўхтатди. Автобус чайқалиб кетди. Ҳай-ҳайлаб дўқ ураётган Азим Қодиров мункиб кетди. Ўриндиққа елкасини қаттиқроқ уриб олди шекилли, автобусдан тушгунча ҳайдовчининг етти пуштини бир-бир «санаб чиқди»...

Асаби бузилган ҳайдовчи - Раҳматжон Мажидов бироз ўзини босиб олди-да, йўлда давом этди. Тўғри, у бунақанги йўловчиларнинг кўпини кўрган. Ҳар ҳолда элчилик. Баъзида шунақаси ҳам бўлиб туради. Аммо бу сафаргиси унга жуда қимматга тушди.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, Раҳматжон Мажидовни автокорхона раҳбари ҳузурига чақириб, дакки берди. Маълум бўлишича, Азим Қодиров ўша куни автобусдан тушиб, тўғри дўхтирхонага борибди. Лат.еган жойи ҳақида «справка» олиб, катта бир ариза ёзиб автокорхона раҳбарига учрабди.

• *Қинғир ишнинг қийиғи...*

ЧОЙХОНАДА ТУЗИЛГАН ШАРТНОМА

ЁХУД СОБИҚ БОШБУҲНИНГ «СЕҲРЛИ» ЧЎНТАГИ

Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг тадбиркорлик ва ишбилармонликка, умуман, эркин иқтисодий фаолиятга кенг йўл очилди. Бугунги кунда турли шаклдаги фаолият тузилмаларини ташкил этиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган, ҳам ўзига, ҳам элу юртга фойда келтираётган юрдошларимиз қанчадан-қанча. Ҳалол, қонуний асосдаги бундай тадбиркорлар қанча кўпайса, шунча яхши. Аммо, афсуски, орамизда гоҳида фирибгарлик ва товламачилик каби нопок иллатларни ўзларича тадбиркорлик, деб тушунадиган шум ниятли кишилар ҳам учраб туради.



Кунлардан бирида, аниқроғи, 1999 йилнинг 20 январида, айни пешин маҳалида Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги хусусий дўкон раҳбари Ч.Эргашева Тошкент шаҳри сари кетиб борар экан, Янгиер-Гулистон йўналишидаги катта йўлда жойлашган «Дўстмуҳаммад» чойхонасига ҳамроҳлари - автомашина йўловчилари билан тушлик қилгани киради. У автомашинада қиймати бир миллион 180 сўм бўлган 20 минг метр квадрат рубероид, қиймати 819 минг 640 сўм бўлган 1322 дона шифер, яна умумий қиймати бир миллион 999 минг 640 сўм бўлган турли хил қурилиш материалларини олиб кетаётган эди. Бу маҳсулотларнинг ҳаммаси Қоракўл туманидаги «Нусратбобо» ишлаб чиқариш бирлашмасига тегишли бўлиб, Ч.Эргашева унинг раҳбари А.Чориев билан яхшигина таниш бўлгани боис тижорат борасида ҳамкорлик қилар, бу гал ҳам бирлашма маҳсулотларини сотиш учун Тошкентга олиб кетаётган эди.

«Дўстмуҳаммад» чойхонаси Мирзаобод тумани ҳудудида жойлашган эди. Буни қарангки, ўша куни ҳикоямиз қаҳрамони, Мирзаобод туман минерал ўғитлар базасининг собиқ бош ҳисобчиси Комил Дўстмуродов ҳам шу ерда тамадди қилиб ўтирар эди. У Ч.Эргашевани кўриши билан унинг тижорат иши билан юрганини сезди ва гапга тутди. Бухоролик тадбиркор салкам икки миллион сўмлик маҳсулот олиб кетаётганини эшитиб, унинг кўзлари ола-кула бўлди. «Менга қаранг,- деди у тайёр ўлжага дуч келганидан хурсанд бўлиб, - шунча нарсани Тошкентга олиб бориб, сарсон бўлиб юрасизми? Мана, мен шу тумандаги минерал ўғитлар базасида бош ҳисобчи бўлиб ишлайман. Базамизга қурилиш материаллари жуда зарур. Пулимиз ҳам тайёр, хўп десангиз бас, тезда ўтказиб берамиз».

«Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур». Аммо Ч.Эргашева Комил Дўстмуродовнинг таклифи остида қандай ниятлар яширин экани ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмади. Қайтага иши осон кўчганидан қувонди. Шу тариқа ўша жойнинг ўзидаёқ хусусий дўкон билан минерал ўғитлар базаси ўртасида шартнома тузилди. Одатда, қонун талабларига мувофиқ ҳар қандай шартнома ташкилот раҳбари томонидан тузилади. Лекин К.Дўстмуродов: «Мен хўжайиним билан жуда яхшиман, у менга ишонади, ҳаммасини ўзим ҳал қилаверaман», деб база директори номидан қалбаки имзо чекиб, ёнидан муҳр чиқариб босди. Кейин 1322 дона шиферни ўз уйига, 20 минг метр квадрат рубероидни эса тергов жараёнида ҳам аниқланмаган жойга олиб кетди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, К.Дўстмуродов ўзича Мирзаобод туман «Наврўз» «Пахтабанк»ига боради. Банк раҳбаридан минерал ўғитлар базаси учун 2 миллион сўм кредит сўрайди. Банк раҳбари ҳам базанинг тўловга қобил эканини билгани ҳолда: «Майли, ҳужжатларни расмийлаштиринг», деб розилик билдиради. Минерал ўғитлар базаси раҳбари эса бу гапларнинг барчасидан бехабар қолади.

Уста фирибгар кредит олиш учун база директори номидан ҳамма ҳужжатларни тайёрлайди. Банк бошқарувчиси К.Маматов кредитни расмийлаштириш жараёнида «Кредит бериш хусусидаги иш суҳбати» кўчирмаси ва «Кредит бериш тўғрисида»ги шартномани шахсан база директори А.Йўлдошевнинг ўзи имзолаши зарур эканини билса-да, кўр-кўрона қонунбузарликка йўл қўяди. Чамаси, фирибгарнинг найранглари унинг ҳам бошини гангитиб қўйганди.

Ўзи бошлаган ишга ҳеч ким қаршилик қилмаётганини кўрган К.Дўстмуродов база директори А.Йўлдошевнинг имзоси чекилган тайёр тўлов топшириқларини тўлдириб / бундай ҳужжатларни у доим ёнида олиб юрар эди/, фирибгарлик йўли билан олинган 2 миллион сўм пулни 1999 йил 25 январда тўлдирилган 5-сонли тўлов топшириқномаси асосида Қоракўл туманидаги «Жонибек» хусусий дўконининг ҳисоб рақамига ўтказади. Бироқ Қоракўл тумани «Пахтабанки» ходимлари хушёрроқ чиқиб қолишди. Улар ушбу маблағ мақсадсиз ўтказилган, деб уни Мирзаобод туман минерал ўғитлар базасига қайтариб юборишди.

Лекин Комил Дўстмуродов бундан саросимага тушмади, /фирибгарлик борасида тажрибаси зўр-да!/, балки дарров янги ҳийлани ўйлаб топди: Бўлган воқеадан дарҳол Ч.Эргашевани хабардор этди. Улар шартномани қайтадан, бу гал «Нусратбобо» фирмаси номидан тузишга қарор қилишди. К.Дўстмуродов яна ҳужжатларни қалбакилаштиришга киришиб кетди. У «сеҳрли» чўнтагидан штамп /тамға/ босилган ишонч ваколати тўғрисидаги иш қоғозини /бланка/ чиқариб, база омбор мудири Т.Раимов номига расмийлаштирди. Буни қарангки, фирибгарнинг «ҳужжат»лари бўйича қурилиш материалларини олиш ишларида база директори А.Йўлдошев ташаббускор бўлган, уларни эса мудир Т.Раимов қабул қилиб олган бўлиб чиқди. Фирибгарнинг ўзи эса гўдакдек бегуноҳ бўлиб қолаверди. Шу тариқа К.Дўстмуродов «ҳужжат»ларга А.Йўлдошев «имзо»сини қўйиб, ташкилот муҳрини босиб, Ч.Эргашевага берди. У эса 4-сонли ишонч қоғози асосида Мирзаобод минерал ўғитлар базаси омбор мудири Т.Раимов «Нусратбобо» фирмасидан бир миллион 999 минг 640 сўмлик қурилиш материалларини олиб кетди, деган мазмундаги 6-сонли юк хатини расмийлаштириб берди. К.Дўстмуродов эса Т.Раимов номидан «Қурилиш материалларини олдим» деб хатга имзо чекади. Қаранг-а, худди «Бор товоғим, кел товоғим» ўйинига ўхшайди!

Комил Дўстмуродов яна банк қоғозларини қалбакилаштириб 2 миллион сўм пулни «Нусратбобо» фирмасига ўтказди.

Шу тариқа фирибгарлар, ҳужжатларни қалбакилаштириш асосида 2 миллион сўмлик кредит маблағини халқ тили билан айтсак, бировларнинг пулини «туя» қилди. Агар бу кредитнинг 135 минг 333 сўмлик фоиз пулини ҳам қўшиб ҳисобласак, у Мирзаобод минерал ўғитлар базасига жами 2 миллион 135 минг 333 сўмлик моддий зарар етказгани аён бўлади.

Бундан ташқари, у ўз вазифасини суиистеъмол қилган, мансаб ваколатини ошириб, минерал ўғитлар базаси директори номидан иш юритган, ҳужжатларни қалбакилаштириш, одамларни алдаш, хуллас, фирибгарлик ва товламачиликни одат қилиб олган. Қолаверса, у бошқаларни, хусусан, Мирзаобод тумани «Наврўз» «Пахтабанк»и бошқарувчиси К.Маматовни жиноий шерикчиликка тортган.

Шу йилнинг 29 сентябрида Мирзаобод туман суди ушбу иш юзасидан ҳукм чиқарди. Унга кўра, Комил Дўстмуродов 9 йилга, К.Маматов эса 3 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум этилди.

Жиноятчилар жазосини олди. Аммо бизни бир нарса ўйлантиради. Бу - мана шундай кишиларга нисбатан жамоатчиликнинг, уларнинг ўзи меҳнат қиладиган жамоаларнинг бепарволиги. Тасаввур этинг, катта бир ташкилотда ишлайдиган мансабдор шахс шу идоранинг барча ҳужжатларидан нусха олиб, «сеҳрли» чўнтагига жойлаб, хоҳлаган мансабдор номидан имзо чекиб, муҳр қўйиб, ишни битириб юраверса-ю, бундан ҳеч ким хабар топмаса?! Ахир, ташкилотнинг расмий қоғозлари махсус рўйхат асосида ишончли жойда сақланмайдими? Ташкилот раҳбарларининг, жамоатчиликнинг кўзи қаёқда?! Қачонгача бепарво юрамиз?! Айниқса, тадбиркор ва ишбилармонлар ҳушёр бўлмоғи лозим. Чунки бозор иқтисодиёти шароитидаги эркинликдан фойдаланиб, бундай фирибгарлар тез-тез бўй кўрсатиб туради. Тадбиркор, қолаверса, бутун халқ ўз ҳақ-ҳуқуқларини пухта билиб олса, бундай бузуқ ниятли фирибгарларнинг пайи тезроқ қирқилади.

Раҳматулло АБДУРАСИМОВ,
Сирдарё вилояти Мирзаобод туман прокуратураси терговчиси

«ҚАНОТИ» ҚАЙРИЛДИ

Ровнинг чиройи очилди.

- Юрист экан. Ҳар ҳолда қонунни билган одам билан ҳазиллашиб бўлмайди. Уйига бориб, кечирим сўра. Яна иш бошқачасига айланиб кетмасин.

Ҳайдовчи раҳбари айтгандай қилди. Ўзига яраша қайсарлигига қарамай, ишни тинчгина ҳал қилмоқчи эди-да, бечора. Аммо Азим Қодировни кўндириш осон бўлмади. Эртасига бозор-ўчар қилиб, яна борди. Бу билан ҳам иш битмади. А.Қодиров тобора авжига чиқар, шаштидан ҳеч қайтгиси йўқ.

-Менга тан жароҳати етказдинг, ҳақорат ҳам қилдинг, ҳали шошмайтур, сени қаматаман.

Вазиятнинг янада кескинлашиб бориши Раҳматжонни ташвишга сола бошлади. Қараса аҳвол чатоқ. «Йўловчи» қаматаман, деяверіб зериктирди.

- Азим ака, аризангизни қайтариб олинг, хизматингизни қилай,- деб олиб борган 5-6 минг сўм пулни уни қўлига тутқазди. Ана шунда Азим Қодимошина қум керак.

Раҳматжон бироз ўйланиб тургач: -Ҳа майли, олиб келиб бераман қумни, -деди-да уйига қайтди.

Орадан бир-икки кун ўтгач, қум ҳам «есть» бўлди.

- Азим ака, энди кечирдингизми ? Розимисиз ?

- Шу билан қутиламан, деб ўйламанг? Аризадан бутунлай воз кечишимни истасангиз яна...

Бечора ҳайдовчи бунча пулни эшитиб, дастлаб довдираб қолди. Кейин тўғри ички ишлар бўлимига бориб, бор гапни айтиб берди. Ва, Азим Қодиров пулни икки қўллаб олаётганида... ўзи қўлга олинди.

Тергов пайтида унинг яна бошқа бир хурмача қилиғи ҳам очилиб қолди. Аслида у ҳеч қанақа «олий маълумотли ҳуқуқшунос» эмас экан. Бу қандай аниқланди дейсизми ? Жуда ҳам оддий усул билан. Сўроқ протоколини тўлдириш жараёнида А.Қодировдан унинг маълумоти тўғрисида сўралганда у, «ўрта маълумотли, деб ёзаверинг», - дейди.

- Ҳа, сиз олий маълумотли ҳуқуқшуноссиз, шекилли.

- Э...э, ука, ўрта деб ёзаверсангизчи, нима фарқи бор.

Бу гапдан сўнг илгари сурилган «аввал ҳам товламачилик йўли билан бошқа шахслардан ҳам моддий қимматликлар олган бўлиши мумкин» деган тергов тахминини текшириб кўришга бўлган қизиқиш янада ортди. Ушбу мақсадда А.Қодировнинг уйида тинтув ўтказилганда, 1976 йили ТошДУнинг юридик факультетини тугатганлиги ҳақида 1989 йили Ширин шаҳар нотариал идораси томонидан тасдиқланган ҳужжат топилади. Шундан кейин у ишлаган ташкилотларда ҳам текширув ишлари ўтказилганда, А.Қодиров ишга киришда юқоридаги ҳужжатнинг нусхасини тақдим этган экан. Ана шу сохта ҳужжат билан бир эмас, келишув асосида роса уч жойда ишлаб келаётган «ҳуқуқшунос маслаҳатчи» фаолиятига шу тариқа нуқта қўйилди.

Рустам АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент вилояти Бекобод тумани ИИБ терговчиси, милиция майори.
Дониёр ХАЛИЛОВ, «Ҳуқуқ» мухбири

ТУЗАТИШ

«Ҳуқуқ» газетаси 10 ноябрь (45) сонининг 1-саҳифасида берилган «Мақсад битта: жиноятчиликнинг пайини қирқиш» мақоласи охирги устуни биринчи хатбошисининг 7-қаторидаги «Ф.Ҳайдаров» сўзи «Фахри Ҳайдарович Раҳимов» деб тузатиб ўқилсин.

• *Фуқаролар ариза ва шикоятларининг кўриб чиқилиши прокурор назоратида*

МУРОЖААТ ҚИЛГАНДИМ...

ЖАВОБИНИ ҲАНУЗ КУТАЯПМАН

Инсоният пайдо бўлибдики, яшаш учун ўзига қулай шароит яратишга, бугундан кўра эртага яхшироқ яшашга ҳаракат қилади. Ана шу ҳаракатлар жараёнида ён-атрофидаги бошқа инсонларнинг манфаатига билиб-билмай зарар етказиб қўйиши мумкин. Бундай ҳолатлар ўз-ўзидан одамлар орасида адолатсизликни келтириб чиқаради.Ана шу адолатсизликларнинг олдини олиш мақсадида инсоният қадимқадимдан барчага амал қилиниши мажбурий бўлган қонунларни ишлаб чиққан. Қонунларга амал қилмайдиган одамларни эса жазолаганлар.Лекин қонунлар турли даврларда давлат деб аталмиш бошқарув механизмининг тепасига ким келса, ўшаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб келган. Оддий фуқаролар эса қонун ҳимоясидан тўлиқ баҳраманд бўла олмаганлар.

Аллоҳга шукрки, у замонлар ортда қолди. Фуқаролик жамияти қуриш сари бораётган мустақил республикамиздаги барча қонунлар фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилгандир. Асосий Қонунимизда ҳам инсон энг мўътабар мавқега кўтарилган. «Инсон-жамият-давлат» муносабатларида инсон ва унинг ҳаёти асосий қадрият ҳисобланади ҳамда «Давлат идоралари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар», деб қатъий таъкидланади.

Дарҳақиқат, биз шундай жамият қуришга эришишимиз лозимки, фуқароларнинг қонун орқали ҳимояланган манфаатига ҳеч ким даҳл қила олмайдиган бўлсин.

«Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт», деб белгилаб қўйилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида. Бундан ташқари, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида» ҳам Қонун қабул қилинган бўлиб, бу қонун ижроси фуқаролик жамиятида адолат ўрнатишнинг муҳим мезони ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мазкур қонун ижросига прокуратура идоралари томонидан алоҳида эътибор қаратилган.

Бош прокурорнинг 1994 йил 28 сентябрдаги 17-сон буйруғида «Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга Ўзбекистон Республикаси прокуратураси марказий девони ва барча тобе прокуратуралар ходимлари фаолиятларининг муҳим таркибий қисми сифатида қаралсин.

Ариза ва шикоятларнинг кўриб чиқилишига виждонан муносабатда бўлиш прокуратура ходимларининг хизмат ҳамда инсоний бурчи деб саналсин», дея таъкидланган.

Яқинда хизмат сафари билан Қашқадарё вилоят прокуратураси тизимида «Таянч прокуратура» деб тан олинган Ғузор туман прокуратурасида бўлдик.

- Аввало, ҳар қандай фаолиятда ютуққа эришиш учун қатиқ меҳнат интизомини йўлга қўйиш, барча ишларни тартиб ва изчиллик билан амалга оширa бориш лозим,-дейди туман прокурори Жуманазар Умиров биз билан бўлган суҳбатда.

—1999 йилнинг олти ойлик якуни бўйича вилоят прокуратураси раҳбарияти туманимиз прокуратурасига юксак ишонч билдириб «Таянч прокуратура» деб белгилади. Шундан кейин ходимларимизнинг ҳар бири раҳбариятнинг ишончини оқлашга астойдил ҳаракат қилмоқда. Айниқса, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб, турли масалалар билан мурожаат қилаётган фуқароларга аввало, қонунлар моҳиятини тушунтириб беришга ва шу мақсадда меҳнат жамоалари, маҳалла ва қишлоқларга, ёшлар орасига чиқиб қонунларни тарғиб қилишни изчиллик билан амалга ошириб бормоқдамиз.

Яқинда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси қандай амалга оширилаётганини текширганимизда туманимиздаги айрим маъмурий идораларнинг масъул ходимлари мазкур қонун ижросига ўта масъулиятсизлик билан ёндашиб келаётганлиги аниқланди. Жумладан, «Истиқлол» қишлоқ хўжалик ширкатига 1999 йилнинг ўтган даври мобайнида фуқаролардан 552 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Лекин ариза ва шикоятларни қайд қилиш китоби ўта тартибсиз юритилган. Номигагина юритилган мазкур китобда аризалар юзасидан қабул қилинган қарорлар, ариза муаллифига ёзма равишда берилиши лозим бўлган жавоблар ҳақида ҳам умуман маълумотлар йўқ. Бундан ташқари 120 та ариза ва шикоятлар ҳаттоки махсус дафтарда қайд қилинмаганига нима дейсиз?

Жорий йилда озиқ-овқат махсулотлари бериш ҳақида омбор мудири номига ёзилган 42 та аризанинг қонунда белгиланган муддати ўтиб кетган бўлсада, аризани ҳал қилиши лозим бўлган масъул шахслар бу аризаларда нималар ёзилганидан бехабарлигича юраверган.

Туманимиздаги «М.Раҳмонов» қишлоқ хўжалик ширкати идорасида ташқаридан қараганда ишлар рисоладагидек кўринади.Чунки ширкатнинг маъмурий биносида масъул шахсларнинг фуқароларни



Суратда: Ғузор тумани прокурори Ж.Умиров маҳалла оқсоқоллари билан суҳбатда.

қабул қилиш кунлари ёзиб қўйилган. Ариза ва шикоятларни қайд қилиш китоби ҳам юритилган. Фуқаролардан тушган 135та ариза ва шикоятлар ҳам қайд этилган. Лекин бу йўналишдаги асосий ишлар ўлдажўлдалигича қолиб кетган. Ариза ва шикоятлар китобга тикилмаган ва муҳрланмаган. Китобда аризанинг текшириш учун кимга берилганлиги, ариза юзасидан қачон қонуний қарор қабул қилинганлиги ҳақида маълумотлар киритилмаган. Аризаларни кўриб чиқиш муддатлари эса ўтиб кетган. Жумладан, 1998 йил 28 августда фуқаро Қ.Ризаева, Т.Примов, Д.Примовлар томонидан ер участкаси ажратиш тўғрисида хўжалик раҳбари номига ёзилган аризалар юзасидан ҳам ариза муаллифларига ўз вақтида ёзма жавоб қайтарилмаган.

Ширкатдан ер олиш илинжида юрган мазкур фуқаролар хўжалик мутасаддиларидан жавоб кутавериб, ер олишдан ҳам умидини узиб қўйган бўлса, ажаб эмас.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб турган бугунги кунда баъзи маъмуриятлар томонидан бу ишга масъулиятсизлик билан ёндошилаётганлиги ўта ачинарлидир. Жумладан, тумандаги касб-ҳунар лицейида юқори ташкилотлардан юборилган хатлар, касаба уюшмасининг ўтказилган йиғилиш қарорлари, фуқароларнинг моддий ёрдам сўраб ёзган аризалари қайд қилиш китобида қайд этилмаган. Уларни ҳал қилиш ҳақида эса, ўйлаб ҳам кўрилмаган.

Жумладан, Н.Отақулова, Ж.Сафарова ва бошқаларнинг стипендия миқдорини ошириш ва моддий ёрдам тайинлаш ҳақидаги мурожаатлари юзасидан ҳам тўлиқ текшириш ўтказилмаган ҳамда уларга тайинли жавоб берилмаган.

Моддий ёрдам пулларини тайинлашда маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам сансалорликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, «Чаноқ» маҳалла фуқаролар йиғинига 16 ёшгача боласи учун нафақа тайинлаш ҳақида Х.Лолаева ариза билан мурожаат қилган. Лекин фуқаролар йиғинидаги масъул кишилар ҳатто аризани қабул ҳам қилмаган. Аслида бу турдаги аризалар масъул ходимлар томонидан қабул қилиниб олиниб, аризачига қонун талаблари тушунтирилиши ҳамда ёзма жавоб берилиши лозим эди. Лекин афсуски, баъзи маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва котибларининг ўз вазифаларига лоқайдлиқ билан қарашлари ҳамда ҳуқуқий савиясининг етарли эмаслиги оқибатида кўпгина фуқаролар болалари учун нафақани қаердан олишни билмай сарсон бўлмоқдалар. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туман прокуратурасига туманимиздаги барча фуқаролар йиғинларининг раис ва котибларини йиғиб, қонунларни тушунтириш ишларини олиб боряпмиз.

Президентимизнинг халқнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш тўғрисида кўйиниб гапиришлари бежиз эмас. Фуқароларимиз, хоҳ раҳбар бўлсин, хоҳ оддий деҳқон бўлсин, қонунларга онгли равишда муносабатда бўлишга кўникишлари лозим.

М.БОЛЛИЕВА,
«Ҳуқуқ» мухбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

СКУРАТОВ ЯНА ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Москванинг Тверь муниципал суди душанба куни Юрий Скуратовга нисбатан олиб борилаётган жиноят иши бўйича Скуратовнинг уйида, дачаси ва хизмат хонасида 9 ва 14 сентябрь кунлари ўтказилган тинтувни ноқонуний деб топиш тўғрисидаги шикоятни қаноатлантирди. Номаълум сабабларга кўра, суд мажлисига прокуратура вакиллари келмадилар.

РОССИЯНИНГ ИЧКИ ИШИ

«Биз қандай усул билан бўлмасин, Россия Федерациясининг ички ишларига ташқаридан бўлган аралашувга йўл қўймаймиз, деди Ташқи ишлар вазири Игорь Иванов. У шунингдек, «Шимолий Кавказда бўлаётган воқеалар - Россиянинг ички ишидир, у ерда халқаро терроризмга қарши кураш бормоқда ва шу билан бирга Россия фуқароларининг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Айнан шу фикр ОБСЕнинг Истамбулда ўтказиладиган саммитда ҳам қатъий билдирилади», деди вазир.

ЯНА КЕЛИШМОВЧИЛИК

Россия Федерал хавфсизлик хизматининг собиқ бошлиғи, давлат Думаси депутати Николай Ковалёв РЖТнинг етакчи мухбири Сергей Доренко уни сайлов олди ташвиқотларда ноқонуний усулдан фойдаланганлиги ва тухмат қилганликда айблаганлиги учун судга бермоқчи эканлигини билдирган. Доренко ўзининг якшанба кунидаги кўрсатувида ФХХнинг собиқ бошлиғини Москвадаги «Рэдисон Славянская» меҳмонхонасининг эгаларидан бири бўлган Пол Тейтумни ўлдиришда иштирок этганликда айблаган.

ДАВЛАТНИНГ ЯНГИ НОМИ

Венесуэлланинг Конституцион Ассамблеяси давлат номини миллий қаҳрамон Симон Боливар номига «Венесуэлла Боливар Республикаси» деб ўзгартириш учун овоз бердилар. Эндиликда дунё ҳаритасида янги давлат номи пайдо бўладиган бўлди.



Миср мўъжизалари

• *Ҳар тўғрида*

15 ноябрь куни Туркияда кучли ер қимирлаши оқибатида 450 киши ҳалок бўлган ва 3 мингдан ортиқ одам турли даражада жароҳат олган. Ҳозирда у ерда дунёнинг 23 давлатидан келган қутқарувчилар ишламоқда. Уларнинг ишларини мувофиқлаштириш учун БМТ тизими бўйича кризис маркази тузилган.

***

Хитой ва АҚШ ўртасида Хитойни халқаро савдо ташкилотига қабул қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Ушбу масалани ҳал этишда АҚШ ҳукумати вакили Шарлин Баршевскийнинг ва ХХР давлат кенгаши раҳбари Чжу Жунцзи билан бўлган учрашуви муҳим аҳамият касб этган. Бу шартнома шу йилнинг апрель ойида ҳал бўлиши мумкин эди. Лекин Хитойнинг Югославиядаги элчихонасининг НАТО ҳарбий ҳаво кучлари томонидан бомбардимон қилиниши бу масаланинг кечикишига сабаб бўлган.

***

«Правда On-Line»нинг хабар беришича, Россия «катта»лари Масхадов-Басаёв режимини янги йилгача тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган. Президент матбуот котиби Д.Якушкиннинг Чечинистондаги операция «қанча керак бўлса, шунча давом этиши мумкин», дейишига қарамасдан Мудофаа вазирлиги Бош штаби бошлиғи А.Квашнин 15 ноябрь куни берган баёнотида асосий террористик тузилмалар йил охиригача тугатилади, деб таъкидлади.

• *Жиноят ва жазо*

ТУШИ ЎНГ КЕЛГАН РАИС

Давронқул тўкин дастурхондаги ноз-неъматларга назар ташларкан, кафтларини шахд билан бир-бирига ишқалаб, тамадди қилишга киришди. Ёғлик патирдан тумордек келадиган бўлагини синдириб, унга чинни косада қўйилган тоза асалдан қошиқчада олиб, яхшилаб суртди. Энди оғзига солмоқчи бўлган ҳам эдики, «насиба»сига бир асалари келиб қўнди. Асалари митта вертолётчага ўхшаб бир зум қанотларини варрак қилганича визиллаб турди-да тўхтади.

- Ёқимли иштаҳа, раис бобо!

Давронқул ён-атрофга қараб ҳеч кимсани кўрмади. Ё тавба, бу овоз ғойибданмикин?

- Бу мен, асалариман! Сизга айтмоқчи эдимки, дастурхондаги ана шу асал - энг сўнгги асалимиз. Бошқа асал тўплай олмаймиз.

Давронқулнинг жаҳли чиқди:

- Нега унақа дейсан, жинқарча? Ҳунаринг асал йиғиш бўлгач, тўплайсанда. Қоч менинг «насибам»дан, йўқса ҳолингга вой бўлади.

Асалари яна қанотларини варрак қилиб визиллади.

- Қаҳратон қиш келди. Бирон бир нарт-новдада болдан асар йўқ. Шундай кунда шакар еб озиқланмасак, қандай қилиб бол йиғамиз?

- Ўчир овозингни, бошқўлайининг Ҳудойберди Ўринов-ку ҳар куни «шакар-шакар» деб қулоқ миямни чақиб юборган. Энди сен кам эдинг?

Давронқул бол арини асал суртилган «насиба» сидан чертиб йиқитмоқчи бўлди. Аммо у визиллаганича учиб бориб раиснинг лабига маҳкам тармашиб олди:

- Сизда лофэ деган нарса борми? Мана бўлмаса! - Болари кетмакет унинг лаб-лунжига ниш ура бошлади. Шошиб қолган Давронқул икки қўли билан жон ҳолатда ўзини аридан ҳимоя қила бошлади. Захри ўткир жонзод раиснинг устида чаққон учиб юраверди.

Д.Исмоиловнинг шу аллозда кўзлари бирдан очилиб кетди. Ҳушёр торта бошлагач, ҳамон зирқираб турган лаб-лунжини шоша-пиша ушлаб кўрди. Йўқ, ҳар қалай шишмаган экан. Хайриятки кўрганлари туш бўлиб чиқди. Йўқса...

Рудакий номидаги асаларичилик жамоа хўжалиги раиси Давронқул Исмоилов нохуш туш таъбирини ўйлаб, тўшакда бир муддат хаёл сурди. Бир кун олдин ўзининг раҳбарлиги остида ишлаб турган Худойберди Ўринов билан шакар таъминоти хусусида бироз баҳслашиб қолгани ёдига тушгач, мияси ойдинлашгандек бўлди. Ҳарқалай, ҳолва деган билан оғиз чучимас экан. Кейинги 4-5 йил ичида хўжалик иши унча юришмай қолди. Шакар таъминоти йўлга қўйилмагани оқибатида кўп боларилар касалланиб, очликдан ўлиб кетишди. Боларичилар эса бўзчининг мокисидай шакар сўраб идорага қатнашгани—қатнашган.

Давронқул энди Худойберди Ўринов тўғрисида ўйлай бошлади. Тили бироз заҳарли бўлгани билан, анча-мунча инсофли ва ишонувчан. Тунов куни уни ёнига чақиртириб, Тошкентдан идорага шакар келаяпти, ҳар килограмми 25 сўмдан, «Шапка»си бор, деган эди, лаққа тушиб ўтирибди. Бир тонна шакар учун 25 минг сўмни нақд қўлига тутқазиб кетди, озамат. Отлиққа йўқ шакарни ким сенга тайёрлаб ўтирибди, дегувчи одам йўқ. Ўз кунингни ўзинг кўраверсангчи, галварс. Аммо, бизга ўхшаган акаларингни ҳам онда-сонда эслаб турмоғинг лозим.

Давронқул куни кеча Худойберди Ўринов билан бўлиб ўтган гапларни бирма-бир эсга олди. Яна шакар сўраб келди. Гап орасида асалари қутилари ортадиган эски прицепни ҳисобдан чиқариб, унга беришини сўраб қолди.

— Сиз учун бўлса майли, — бир зумда миясига чақмоқдек урилган фикрдан қувониб кетган Давронқул Худойбердига синовчан тикилиб, деди:

- Яна 25 минг сўм топиб келсангиз, ҳамма ишни «есть» қилиб бераман.

Худойбердига эртага пулни чойхонага олиб келишни тайинлаганини эслагач, Давронқулнинг ҳаловати бирдан йўқолди. У апил-тапил кийиниб, яп-янги «Тико» автомобилига ўтирди-да, ғизиллаб марказ томонга йўл олди.

- Хуш кўрдик, раис бобо. - Елкасига сочиқ ташлаб олган Фахриддин Салимов меҳмонга чорпоядан жой кўрсатди. Ҳолаҳвол сўрашиб, дастурхон тузатишга киришиб кетди. Аслида Фахриддин ҳам қатор йиллардан буён асаларичилик хўжалигида ишлаб келарди. Аммо хўжалик «ўтириб» қолгач, ҳарна рўзғорни тебратиб туриш мақсадида шу чойхонани ишга туширди.

-Раис бобо ҳалиги... тозасидан бир шиша олиб чиқайми?

-Қандоқ бўларкан?

-Фалакнинг гардиши дегандек, бир келиб қолибсизда, ака.

-Майли олиб чиқа қол.

Давронқул муздай ароқдан жонон пиёлага тўлдириб қуйди-да, ичиб юборди. Бир оздан кейин ваъдага мувофиқ Худойберди Ўринов ҳам шу ерга етиб келди. Унга кўзи тушган раиснинг чеҳраси яна очилиб кетди. Бўш пиёлаларни ёнма-ён қўйиб, ўзи қадаҳ тўлдирди.

- Олиб келдингизми?

Худойберди раиснинг пулга шаъма қилаётганини тушуниб, бош ирғаб қўйди:

- Ҳа, олиб келдим.

- Унда олдик.Мувафақиятимиз учун ичамиз.

Бироз яйрашиб ўтиришгач, Давронқул Худойберди Ўринов билан бирга чойхонадан чиқди. Кўп ўтмай улар «Тико»да азим Самарқанд шаҳрининг серқатнов кўчалари бўйлаб илдам кетишарди. Худойберди чўнтагидан газетага ўралган даста пуллар олиб, ҳамроҳига юзланди.

- Мана сиз айтган пуллар...

Давронқул секин-аста машинани йўл четига жилдириб тўхтади, Х.Ўриновнинг қўлидаги пулларни ушлаб, тахминан чамалади:

- Роппа-роса 25 минг-ми?

- Бўлмасамчи...

- Сизга ишонаман. Буни бардачокка қўйингда, шу ерда туша қолинг.

Бўлди. Ишлар ҳамиздан қил суғургандек осон кўчди. Йўқ жойдан 25 минг. Давронқул «Йўрға от» ини жилдириб, магнитофоннинг қулоғини бураб юборди. Ширин орзуйўй билан бироз йўл босди. Шу пайт бошқа бир «Тико» автомобилидагилар унинг йўлини тўсиб, машинани йўл четига чиқаришини ишора қилишди.

— Яна қадрдон улфатлар бўлишса керакда, — бепарво йўл четига чиқиб уловни тўхтатди раис. Бироқ бу гал адашганди.

— Давронқул Исмоилов, Сиз ўз ҳодимингиз Худойберди Ўриновдан пора олганликда гумон қилинаяпсиз, - дейишди ўзларини Ички ишлар ва прокуратура ходимлари деб таништирган кишилар.

Давронқулнинг иш бундай тугалланишига асло ишонгиси йўқ. Қилни қирқ ёриб, ҳақни ноҳақдан ажрата оладиган ҳуқуқ ва тартибот ходимлари баднафс раиснинг асл башарасини очишди-қўйишди.

Ҳа, инсон туғилибдики, ўз умр дафтарини беозор, эл орасида обрў-эътибор топишга ҳаракат қилади. Давронқул Исмоилов ҳам одил суднинг қора курсисига ўтиришдан олдин бир хўжаликнинг дуппа-дуруст раҳбари - «Кимсан - фалончи» эди. Оиласи тинч, топиш-тутиши, қадр-қиммати яхши эди. Масъул мансабдор шахс бўлатуриб, мисқоллаб тўпланган ишончи ва обрўсини арзонгина баҳога сотиб, бадном бўлиб ўтирибди.

«Сенга нима етмаяпти, эй хом сут эмган банда? Ҳеч бўлмаса оиланг, ширин-шакар беш фарзандинг тақдирини ўйламадингми? Ҳаром пул кимга ҳам вафо қилибди».

Бундай фикрларни Давронқул кўп маротаба кўнглидан кечирган. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, нафс балосига йўлиққан кимса бу кўчага қайта-қайта кириб қолганини билмай қоларкан.

Давронқул Исмоилов ЖКнинг 210-моддаси «б» банди билан айбли деб топилиб, суд ҳукми билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Пора унинг ҳаётини заҳарга айлантирди. Бу туш эмас, бўлган гап.

Рустам ДАВРОНОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлими катта прокурори.
Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ҳуқуқ» мухбири

• *Қонун барчага баробар*

РАҲБАР ЛОҚАЙД БЎЛСА...

Сўзимизни бугунги кун раҳбари қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб излаб кўришдан бошласак. Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач ўз тараққиёт йўлини юртбошимиз белгилаб берган иқтисодий тамойиллар асосида олиб бормоқда. Яна шу нарса аниқки, ўтиш даврида маълум қийинчиликлар, муаммолар туғилиши табиий ҳол. Хўш, бу қийинчиликларни енгиб ўтиш учун нималар қилмоқ керак?

Бизнингча, аввало, бунинг учун юртга жонкуяр, фидоий раҳбарлар керак. Ҳар қандай шароитда ҳам раҳбар, йўлбошчи замон билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлса муаммолар ўз ечимини топаверади. Тан олиш керак, бундай раҳбарлар талайгина. Аммо биз бугун ҳикоя қилмоқчи бўлган раҳбар юқоридаги сифатлардан анча йироқ бўлиб, таъбир жоиз бўлса, мансаб курсисига адашиб келиб қолган амалдорлардан биттаси, холос.

Ҳикматулла Шамсиев 1997 йилнинг январидан бошлаб Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Ўзқишлоқичимликсувтаъминот» уюшмасига раислик қила бошлади. Очиғини айтганда, кўпчилик янги раҳбар ишни янгича бошлашини, йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилишини кутган эди. Минг афсуски, бундай бўлмади. Аксинча, янги раҳбар ўта кетган совуққонлардан чиқиб қолди. Корхона эса қарзга ботганидан ботаверди.

Х.Шамсиев уюшмага 1997 йилнинг январь ойида келган бўлса, 1998 йилнинг октябрь ҳолатига кўра уюшманинг мавжуд бўлган дебиторлик қарзи 1 млрд. 108 миллион 291 минг сўмни, шундан уюшманинг марказий бошқарув идорасига тегишли бўлган бир йил муддати ўтган қарзи 1 миллион 787 минг сўмни ташкил этган. Ўз-ўзидан маълумки, Х.Шамсиев октябрь ҳолатига кўра 73 миллион 943 минг сўм, фақатгина уюшма марказий бошқаруви ишчи-хизматчиларининг ўзидан 624 минг сўм миқдоридаги ойлик маош ҳисобида қарз бўлиб қолган.

Ҳа, раҳбарнинг нўноқлиги, совуққонлиги туфайли юзлаб ишчи-хизматчилар ойлаб маошсиз ишлашган. Табиийки, неча-неча рўзғорда етишмовчилик пайдо бўлган. Баъзилар қўли пул кўрмаганидан бошқа иш қидириб кетишди, баъзилар эса раҳбарга инсоф кириб қолишини пойлашарди. Қайда дейсиз... Х.Шамсиев ўз манфаатини йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиганлар хилидан экан. Бўлмаса, ўзининг қариндоши «Ўзқишлоқичимликсувтаъминот» вилоят уюшма трести раиси С.Гуломовга ўз манфаати учун фойдаланиш мақсадида ушбу қарзларни ўз вақтида ундириш юзасидан ҳеч қандай чора кўлламаган.

Оқибатда жорий ҳисоб рақамида етарли пул бўлмаганлиги туфайли уюшма ишчи-хизматчилардан 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб уларнинг иш ҳақларини ҳисобдан ушлаб қолиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Ҳатто ишчи-хизматчиларнинг ўзидан уюшма ҳисобидан уяли телефон олиб бериш тўғрисида топшириқ бермаган бўларди. Ваҳоланки, уюшманинг тоғдек қарзлари уюлиб турибди. «Ўздунробита» қўшма корхонасидан олинган уяли телефоннинг нархи эса 115 минг 428 сўмни ташкил этган. Бунинг устига Х.Шамсиев ундан фойдаланиш эвазига 27 минг 586 сўмни ҳам уюшма ҳисобидан тўлатганига нима дейсиз?

Х.Шамсиев мансаб курсисига ўтириб ўзлигини унутди. Оқибатда «қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқади» деганларидек, унинг кирдикорлари ҳам умумий назорат тартибида ўтказилган текширишда фош этилди. Суд уни ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми ва 207-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этишда айбли, деб топди. Бироқ у Республика Президентининг 1998 йил декабрь ойидаги Амнистия тўғрисидаги Фармонига биноан жазодан озод этилди.

Бугун миллатимиз янги ҳаёт қуриш йўлидан бормоқда. Ва шу нарса маълумки, янгилик билан эскилик ўртасида ҳамма вақт кескин курашлар, зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар бўлиб ўтади. Афсуски, ҳаётда баъзан янгиликдан кўра эскилик, яхшиликдан кўра ёмонлик, эзгуликдан кўра ёвузлик яшовчан бўлади. Шу фикрдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, турмуш тарзига айланган ва кундалик ҳаёт қобиғида ўралиб қолган дунёқарашларни ўзгартириш осон иш эмас. Бунинг учун барча бирдек кураш олиб бормоғи даркор.

Н.УМАРОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори

• Футбол

20 ноябрда Бирлашган Араб Амирлигида бошланадиган футбол бўйича Осиё чемпионати финал мусобақасига йўлланма берувчи саралаш босқичи ўйинларини мухлислар муштоқлик билан кутишмоқда. Маълумки, бу гуруҳда Ўзбекистон терма жамоаси ҳам иштирок этади.

Жамоамиз мураббийлари сафар олдидан бир неча ўйин ўтказиб, номзод футболчиларнинг тайёргарлик даражасини аниқлаб олдилар.

***

Келаси йили бўлиб ўтадиган Европа чемпионати финал босқичида қатнашиш учун даъвогарлик қилаётган Украина ва Словения терма жамоалари Люблянда ўзаро куч синашдилар. Бу жамоаларнинг биринчи учрашуви 2:1 ҳисобида майдон эгалари фойдасига ҳал бўлди. Жавоб ўйини - 17 ноябрда Киевда бўлиб ўтади.



Маҳорат.

• Теннис оламида


КЕСКИН КУРАШЛАРДАН СЎНГ

Кремль кубоги учун ўтказилган ўнинчи юбилей турнири ҳамюртларимизга яқиндан таниш бўлган Евгений Кафельниковнинг учинчи бор ғалабаси билан якунланди. Зимбабвелик 30 ёшли Байрон Блэк Кафельниковни шу пайтгача ҳали бирон марта ҳам ютмаган. Лекин, шунга қарамасдан, дунёнинг иккинчи ва саксонинчи ракеткалари ўртасидаги кураш деярли жуда кескин ўтди. Кафельников икки сетда ҳам ғолиб чиқди.

Аммо ярим финалда француз Николас Эскюде билан бўлган ўйинда Кафельников ғалабани жуда катта қийинчилик билан қўлга киритганлигини тан олди. Биринчи ва иккинчи сетлар тайбрейкда ҳал бўлди - олдин француз сўнгра россиялик муваффақият қозонди. «Бу матчда ғалабани қўлга киритиш учун менда имконият бор эди. Лекин, иккинчи сетдан кейин ўзимни қўлга ололмадим ва бу мағлуб бўлишимга олиб келди», дейди Эскюде.

Бу ғалаба Кафельниковнинг профессионал карьерасидаги 20-юбилей титули бўлди. У 6 йил давомида ҳар йили камида 3 та титулни қўлга киритди. Бу йил ҳам шундай бўлди - Австралиянинг очиқ чемпионати, Роттердамдаги турнир ва ниҳоят Москвада.

• Кроссворд



Энига: 5. Қадимда гугурт вазифасини ўтаган тош. 6.,, Сайдинг қўя бер, сайёд» шеъри муаллифи. 7. Бибихоним, Тиллакори... мадрасалари жойлашган шаҳар. 9. Ўзбек халқ достони. 10. Тошкент шаҳридаги спорт саройларидан бирининг номи. 11. Аёл кишининг исми. 12. Ҳижрий ойи. 13. Баҳор мўъжизаси. 16. Ўзи тотли меҳнати савобли таом. 17. Ривоятларга қараганда инсоннинг дўсти бўлган қуш. 20. Сотувчи билан сотиб олувчи ўртасига тушган одам. 21. Ёғ, мой тури.

Бўйига: 1. Айроннинг бир тури. 2. ,,..... хон наслидин Мирзо Улуғбек, Ки олам кўрмади султон анингдек». 3. Бу янги кун маъносини билдиради. 4. Болалар боҳорда учириб ўйнайдиган севимли ўйинчоқ. 8. Ақл-одоб, илмий-маърифий мусулмон китоби. 14. Пуфлаб чалинадиган чолғу асбоби. 15. Сурхондарё вилоятидаги туман. 18. Тошкент вилоятидаги дарё. 19. Карвон тўхтаб ўтадиган жой, карвонсарой.

Тузувчи: Музаффар НОРМАТОВ

• Удумларимиз

САФАРГА КЕТАЁТГАНДА...

Хизматга ёки узоқроқ ўлкага маълум бир муддатга сафарга кетаётган кишиларни йиғлаб кузатмайдилар. Уларни иложи борича ўйин-кулгу билан, яхши кайфиятда кузатиш яхшидир.

***

Тунда юришга тўғри келса, ёнингизда доимо бир бурда нон бўлсин. Чунки нон сизни барча бало-қазолардан асрагувчидир.

***

Кун ботиши олдидан ухламаслик керак.

***

Ҳар гал овқатдан сўнг қўл ёғини қошга суртган яхши. Сабаби, инсон у дунёга рихлат қилганида қош унга ҳамдўстдир.

***

Супургини тик қўймаслик, меҳмон кетгач, дарҳол уйни супуришга киришмаслик керак.

***

Дастурхонни кечқурун қоқмаслик лозим.

***

Тирноқни уй ичида, шунингдек кечқурун олмаслик керак.

***

Ўқиётган китобни очиқ қолдирмаслик керак.

— СУДЬЯ АЙТДИ-КИ...



Судья:

— Шикоят қилишингизча, айбланувчи сизни ахмоқ, деб айтган.

Шу гап тўғрими?

— Мутлақо тўғри.

— Унда нимага норози бўлаяпсиз?

***

— Судланувчи, кўрилаётган иш бўйича нима дея оласиз?

— Нима ҳам дердим. Кечқурун уйга кетаётган эдим. Икки нотаниш киши келиб тўсатдан «Пўстин ва телпакни еч», деди. Мен худди улар айтганидек қилдим. Бирининг пўстинини, иккинчисининг телпагини ечиб олдим.

***

Судья гувохдан сўраяпти:

— Демак, сиз жиноятчи қайнонангизни қандай бўғаётганини кўргансиз, шундайми?

— Худди шундай.

— Нима учун унга ёрдам бермадингиз?

— Ёрдам қилмоқчи эдим, бироқ унинг ўзи буни жуда яхши эплаётган эди.

***

Маҳбусни отиш учун олиб кетишяпти.

Маҳбус:

— Ҳаво айниди-да...

— Ҳа... Биз ҳали ортга қайтишимиз керак, — дейишди соқчилар.

• Бунга нима дейсиз?

Беғараз дўстлик фақат бир хил даромадга эга бўлган кишилар орасидагина бўлиши мумкин.

• Пул ҳақида

Энг катта хазина 1714 йилда Италиянинг Модена шаҳри яқинида топилган. Мутахассисларнинг фикрича, 80 минг дона қадимий тилла тангадан иборат мазкур хазина бу ерга тахминан милоддан аввалги 37 йилда яшириб қўйилган экан.

***

Энг қадимий тангалар милоддан аввалги 670 йилга мансуб бўлиб, Туркияда шоҳ Ҳиқос ҳукмронлиги даврида зарб этилган. Энг залворли танга эса Швецияда 1644 йилда ишланган. Қиймати 10 далерга тенг мазкур мис танганинг оғирлиги 19,71 кг. бўлган.

***

Энг енгил ва кичкина танга эса 1740 йилда Непалда чиқарилган. Қиймати чорак жавага тенг ушбу танганинг вазни атиги 0,002 граммни ташкил этган.

***

Энг йирик миқдордаги маош 1987 йилда «Дюкасел Бернель Ламберт» (АҚШ) фирмасининг ходими Майкл Милкенга тўланган. Унинг йил давомида олган моянаси мукофот пулларини қўшиб ҳисобланганда 550 млн. долларни ташкил қилган.

***

Япониянинг «Дайити канге» банки жаҳондаги энг йирик тижорат банки ҳисобланади. 1989 йилнинг 31 мартида банк ҳисобида жами 414,4 млрд. АҚШ доллари бўлган.

ИТ АФЗАЛМИ ЁКИ ЧЎЧҚА?



Ўргатилган итлар портловчи моддаларни аниқлашда камдан-кам ҳолларгагина адашишади.

Агар портловчи модда бирон-бир катта бино ичида бўлса, ит қўйиб юборилар экан. Ит портловчи моддани топиб олса, унинг олдига ўтириб олиб, овоз бераркан. Лекин у тез чарчаб қолиши сабабли, унга ҳар 20-30 дақиқадан сўнг, дам бериш керак. Яъни, у ёпиқ хона ичида узоқ вақт ишлай олмайди. У очиқ ҳавода дам олиб, ҳид билиш қобилиятини тиклаб олиши лозим. Ғарб мутахассисларининг фикрича, бундай «профессионал»ларнинг нархи 10 минг доллардан ошиқ туради.

Шуниси ҳам борки, итлар ҳам баъзан инсонлар каби ишлашдан бўйин товлашар экан. Лекин бу вақтинча. Чунки, улар учун иш иш эмас, балки ҳаётдир. Бу итлар бугун ҳеч нарса топа олмасалар ҳам - эртага қидирувга чиқмайди, дегани эмас. Улар одамларга ўхшаб тушкунликка тушиб қолмайдилар. Инсонлар тили билан айтганда, улар ўз иши билан яшайдилар.

Умуман олганда, портловчи моддаларни қидиришда энг муносиб ҳайвон чўчқа экан. У 300 хил ҳидни ажрата олар экан. Аммо уни қўлга ўргатиш бирмунча қийин ва иккинчидан уни етаклаб юриш бироз ноқулай: тасаввур қилинг милиция ходими чўчқа билан хизмат вазифасини бажаришга киришса...

Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида №00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида» журнали
Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Я.Ғуломов кўчаси,66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34

Бош муҳаррир: Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев, Ботир Пўлатов, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Мэлс Наимов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Лола Шомуротова, Зайниддин Мамадалиев
Навбатчи: Н.МАҲМУДОВ
Саҳифалаш ва дизайн ишларини Б.САИДОВ бажарган

«Ҳуқуқ» оригинал макети Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида босилди. Манзил: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41.
Бичими А-3. Нусхаси-12933. Буюртма Г-0857.

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди

Босмахонага топшириш вақти: 20.00. Топширилди: 19.30
1 2 3 4 5 6 7 8 9
Сотувда эркин нархда